O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 12-yanvar № 6 (3043) payshanba

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

Тинчликка йўғрилган парвоз

Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти Марказий Осиёда ягона маскан. Мазкур ҳарбий билим юрти 1994 йили, мустақил Ватанимиз эндигина оёққа туraётган бир пайтда ташкил топди. Ўтган даврда минглаб авиация мутахассислари тайёрланиб, улар мамлакатимиз Қуролли Кучларининг барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларида хизмат қилишмоқда.

Бахром АБДУРАҲИМОВ олган сурат

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қуролярoқ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилди. Зеро, ҳарбий билимларни қунт билан ўрганиш, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ҳар бир ватандошимиз учун юксак шараф ҳисобланади.

— Ҳарбий билим юртимизда бешта йўналиш бўйича авиация мутахассислари тайёрланмоқда, — дейди ўқув ишлари бўйича бўлим бошлиғи, подполковник Фарҳод Мамажонов. — 12 та кафедра ва авиация мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси ўқув-моддий базаси яратилган. Ўқув-моддий базани янада такомиллаштиришда профессор-ўқитувчиларимиз томонидан яратилган электрон дарсликлар, тақдимотлар, «Давлат геодезия тармоғи», учиш аппаратлари, аэродромларнинг электрон макетлари, фанларга оид стендлар қўл келмоқда.

Инновацион технологиялар асосида машғулотлар олиб бораётган профессорлар Т.Қутлумуродов, Т.Собиров, тажрибали мутахассис-педагоглар — подполковник Ғ.Ўсаров, Т.Юсупалиев, майорлар И.Қўлдошев, Д.Қаршиев, Ф.Умаров, ўқитувчилар О.Рўзибоева, И.Ким, В.Каримов, А.Ким бўлғуси Ватан ҳимоячиларига қунт билан сабоқ беришмоқда.

Билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаш, ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳар жиҳатдан устозларга, уларнинг билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил қилиши ва дарс беришига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқув жараёнини ташкил этиш, курсантларнинг чуқур билим олишига ёрдам берувчи ўқув услубларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицер, сержант ва курсантларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилган.

Кафедралар қошида «Авиамоделчи», «Ракетамоделчи» тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедрасидаги қўл жанги, енгил атлетика тўгараклари қатнашчилари мамлакатимиз Қуролли Кучлари миқёсида ўтказилган ҳарбий учкураш спорт мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Курсантлардан С.Султонов, А.Саримсоқов, А.Ҳакимов бу муваффақиятга муносиб ҳисса қўшди.

Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда катта лейтенант, марҳум Шермуҳаммад Ашировнинг 1999 йил Сариосиё туманида кўрсатган қаҳрамонлиги билим юрти шахсий таркиби учун алоҳида намунадир.

— Мустаҳкам оила йилида жамоадаги 150 дан зиёд оила ўртасида миллий-маънавий қадриятларни, энг яхши удум ва анъаналарни оммалаштириш, инсонпарварлик, меҳр, яхши қўшничилик ғояларини тарғиб этиш, уларни ҳарбий хизматчилар онгига сингдириш асосий вазифамиз, — дейди ҳарбий билим юрти бошлағич касаба уюшма қўмитаси раиси Людмила Шокирова. — Ўттиздан ортиқ ёш оила бўлиб, улар учун пазандачилик, тикувчилик, фарзандларига рассомлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Ҳарбий билим масканида ўқув-тарбия ишларининг такомиллаштирилаётгани, курсантларга тайёргарлик машғулотлари мукаммал ва замонавий андозалар асосида етказилаётгани бугунги битирувчиларнинг юксак интеллектуал салоҳиятини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон ёшлари

■ **Н.БОЗОРОВ,**
БухДУ қошидаги 3-сонли Қоракўл академик лицейи директор ўринбосари

Президентимизнинг иқтидорли ёшларга эътибори ва ғамхўрлиги рамзи сифатида 2009 йилда Қоракўлдаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати Бухоро Давлат университети қошидаги 3-сонли Қоракўл академик лицейига айлантирилди. Билим маскани биноси ҳам замонавий талаблар асосида янгидан қурилди. Ёшларнинг янада чуқурроқ билим олиши учун имконият майдони кенгайди. Бунинг самараси ўлароқ ўқувчиларимиз томонидан сўнгги йилларда математика, физика ва кимё фанлари бўйича жаҳон ва халқаро олимпиадаларда 25 тадан ортиқ медал қўлга киритилди.

Қоракўл лочинлари

Ўтган даврда ўқувчиларимиз жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатидаги олийгоҳларда имтиёз билан ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Жумладан, АҚШ, Япония, Франция, Италия, Туркия, Голландия, Россия давлатларидаги энг нуфузли олийгоҳларда таълим олиб, айни кунда Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишмоқда. Шогирдларимиз камоли биз устозларни руҳий қувватлантирмоқда.

Билим масканида 450 нафар иқтидорли йигит-қизга сабоқ бераётган 47 нафар ўз фанининг билимдони ва фидойиси бўлган педагогларни ана шу тоифага қўшгим келади.

Ҳадиси Шарифда айтилганидек, илмда осон ва яқин йўл йўқ. Илм — ақлнинг тарбиячиси, жиловдори. Баркамол авлод йилида Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Сирожиддинов номли академик лицейда бўлиб ўтган «Лицейим — фахрим» деб номланган Республика академик лицей ўқувчиларининг математика, физика, информатика фанлари бўйича ўтган беллашувида Жавлон Исомуродов математикадан биринчи, Сардор Ғаффоров иккинчи, Дониёр Ҳамроев учинчи, Отабек Асадов тўртинчи ўринларни эгаллаб, мутлоқ ғолибликка эришган бўлса, физика фанидан Шаҳзод Бобомуродов биринчи, Суннат Файзуллаев учинчи ўринни қўлга киритди. Ўтган йилда ҳам ушбу танловда ўқувчиларимиз фаол қатнашиб, учта фан бўйича қўйилган 9 та дипломнинг 3 тасига эгалик қилишди.

2011 йил 16-24 июл кунлари Голландияда ўтказилган 52-Жаҳон математика фан олимпиадасида ўқувчиларимиз ўзларининг нималарга қодирлигини яна бир карра исботлашди. Халқаро билимлар синовида 105 мамлакатдан келган 600 нафар тенгдошлари орасида Жавлон Исомуродов кумуш медал, Сардор Ғоффоров фахрли диплом билан тақдирланди.

Устоз С. Холниёзов академик лицей касаба уюшма қўмитаси раиси ҳамдир. У ҳар бир ишчи-ходимнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш баробарида илғорларни тақдирлашга алоҳида эътибор қаратади. Касаба уюшмаси томонидан ҳар йили жамоада фаол меҳнати билан шуҳрат қозонган устозларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда етакчи алоҳида ташаббус кўрсатади.

Ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллаган ўқитувчилар директор жамғармаси фонди ҳисобидан 300 минг, иқтидор соҳиблари эса 150 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланишди.

Ўқувчиларимиз яратилган имкониятларга муносиб жавоб қайтариш, она-Ўзбекистонимиз номини жаҳонга кенг ёйиш, ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлаш мақсадида 2012 йилда Аргентинада ўтадиган 53-Жаҳон математика фан олимпиадасига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шунингдек, келгуси йилда Эстонияда бўладиган жаҳон физика, Алматида физика, математика, информатика фанларидан ўтадиган Жаутиков номидаги олимпиада ғолиблари сафидан ўрин олиш учун тинмай ўқиб, изланишмоқда. Қолаверса, ҳар йили кимё фанидан ўтадиган Менделеев номидаги халқаро ҳамда умумтаълим фанлари бўйича IV босқич фан олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли дипломларни қўлга киритишга астойдил бел боғлашган.

Жамоамизнинг мақсади ўқувчиларимизнинг мақсади билан муштарак. 2012 йилда 147 нафар битирувчи ўзининг севган касби бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тинмай ўқиб-ўрганмоқда. Ишончим комилки, Қоракўлдан парвоз этган лочинлар жаҳон шоҳсупасидан янада муносиб ўрин эгаллайдилар.

Якун ва таҳлил

Янги йилда мақсадлар

■ **Дилдора РАҲМОНОВА,**
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари фаолиятини тубдан янгилаш, мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни амалга оширишда унинг фаол иштирокини таъминлаш мазкур ташкилотнинг янгича қиёфасини белгилаб беради. Наманганлик касаба уюшма фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтган вилоят касаба уюшма ташкилотларининг Мустаҳкам оила йилидаги вазифаларига бағишланган йиғилишида мазкур масала янада долзарб аҳамият касб этди.

Йиғилишда Президентимиз томонидан таклиф этилган Концепция асосида касаба уюшмалари томонидан белгилаб олинган устувор вазифалар ҳаётга қай даражада татбиқ этилаётгани, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоялаш, бунда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорликни кучайтириш борасида ўтган йилда амалга оширилган фаолият йўналишлари таҳлил этилиб, янги вазифалар белгилаб олинди.

Кун тартибига кўра, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Зулайҳо Маҳкамованинг ўтган йил якунлари ва жорий йилдаги вазифалар юзасидан маърузаси тингланди.

— Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишув соҳа тараққиёти йўлида муҳим қадам бўлди, — деди, жумладан, маърузачи. — Мазкур ҳужжат касаба уюшмалари олдида турган вазифаларни ижтимоий шериклик асосида ечишга, муайян муаммоларнинг ортиқча қийинчиликларсиз барҳам топишига туртки бўлаётир. Бош келишувга мувофиқ, вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида тузилган минтақавий келишувга асосан корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларига модернизация жараёнини фаоллаштириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, тежамкорликнинг қатъий тартибини жорий этиш, ишлаб чиқариш ва технологик интизомга риоя қилиш, мосланувчан нарх сиёсатини ўтказиш бўйича тегишли мажбуриятлар киритиш ҳамда ижросини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Вилоят бўйича тузилган 1 та минтақавий келишув, 14 та вилоят тармоқ, 22 та туман ва шаҳар бўйича ҳудудий тармоқ келишув ҳамда жамоа шартномалари қабул қилишда мезон сифатида рентабеллик, маҳсулотни сотиш ҳажми, фойда, даромаднинг ўсиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи, умумий сарф-харажатлар пасайиши, ресурсларнинг тежалиши, иш самарадорлигининг кўтарилиши каби кўрсаткичларга эътибор берилди. Кўрсаткич ўзгарган тақдирда ижтимоий имтиёз ва кафолатлар даражасининг унга мутаносиб ўзгариши инобатга олинади.

(Давоми 2-бетда)

Хабар

Вазифалар белгилаб олинди

■ **Нурилла ШАМСИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «2011 йилдаги асосий устувор йўналишлар бўйича олиб борилган фаолият тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Бирлашма кенгаши раиси Ойсулув Нафасова жамоат ташкилотининг жамият ривожига қўшаётган улуши, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига тўхталди. Ҳисобот даврида касаба уюшма ташкилотлари ижтимоий шериклик тамойилларининг таркиб топишида асосий ўрин тутганлиги, эндиликда ишга янгича ёндашувни тақозо этаётган меъёрий ҳужжатлар асосида фаолиятни жонлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар галдаги вазифалар хусусида фикр билдиришди.

■ **Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
«Ishonch» мухбири

Қизилтепа туманининг «Гулбоғ» маҳалласидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Маҳфуза» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Гадоевнинг саъй-ҳаракати билан 180 тонна мевани сақлай оладиган совуқхона фойдаланишга топширилди.

Совуқхона

Бунинг учун банкдан 216 миллион сўмлик кредит олинди ва маблағнинг 74 миллион сўмига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий музлатгич келтириб ўрнатилди.

Совуқхонада айни пайтда 50 тонна голден навли олма сақланяпти.

Қарор ва ижро

Солиқ қонунчилигида ўзгаришлар

Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2012 йил учун белгиланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадида 5 кунлик кўргазмали семинар ташкил этилди.

■ **Улуғбек ИБОДИНОВ,**
«Ishonch» мухбири

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Молия вазирлиги, Давлат божхона, статистика қўмиталари, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, юздан ортиқ корхона-ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари қатнашди. Семинарда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган солиқ имтиёзлари, Солиқ кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Ishonch
2012-yil 12-yanvar № 6 (3043)

Янги йилда мақсадлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тармоқ касаба уюшма вилоят кенгашлари томонидан олинган статистик маълумотларга кўра, ўтган йилда жамоа шартнома ва келишувлари орқали ходимларга қуйидаги ижтимоий кўмак чоралари амалга оширилди:

— 3029 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди ва бу мақсадлар учун 104,5 млн. сўм, шундан касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 63,7 млн. сўм;

— тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 1969 нафар оилалар фарзандлари учун 59,4 млн. сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қопланди;

— мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 30 та ёш оилага 15 та корхона ва ташкилотда 23,5 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар корхоналар ҳисобидан берилди;

— фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 169 нафар ёш оналарга 111 та корхонада 9,1 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби хайрли ишлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Нодавлат секторидаги барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларининг тузилиши ҳам бирлашманинг доимий диққат марказида. Хусусан, ўтган йилда учинчи сектордаги 32 та ташкилотда ишловчи 1049 нафар ходим касаба уюшмаси сафига қабул қилинди.

Шунингдек, ўтган йилнинг ноябр-декабр ойларида инвентаризация ишлари ўтказилди. Маълум бўлишича, бугунги кунда ҳудудимизда 29283 та хўжалик юритувчи субъект фаолият юритар экан. Уларнинг 11 мингдан ортиқроғи эса касаба уюшма хизматига олинмаган. Аниқроғи, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги 28876 нафар ишловчининг ҳуқуқлари тўла ҳимоя этилмаган. Янги йилда фаолиятимизнинг мазкур қиррасини изчиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2011-2012 йилларга мўлжалланган қўшма қарори ва тадбирлар режасига асосан вилоятда янги иш ўринларини барпо этиш борасида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг туманлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Бу жараёнда касаба уюшма етакчилари фаол иштирок этмоқда. Ўтган йилда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 68967 та янги иш ўрни вужудга келтирилиб, аксарияти қишлоқ жойларда ташкил этилди. «Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» параметр кўрсаткичларининг амалда бажарилиши касаба уюшма фаоллари томонидан жойларда ўрганилиб, керакли тавсиялар берилиши изчил йўлга қўйилди.

Жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда 60 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, уларда 3442 та корхона ва ташкилот 14858 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркаларда 17260 нафар фуқаро қатнашиб, улардан 9823 нафари доимий ишга жойлашиш учун йўлланмани қўлга киритди. 7437 нафар юртдошимиз эса мутахассислар томонидан тегишли маслаҳат олди.

Шунингдек, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 1098 та корхонада 2011 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун жами 5936 та, жумладан, ногиронлар учун 1936 та квота иш ўринлари банд қилинган. Ўтган вақтда ушбу ўринларга 5206 киши ишга жойлаштирилди.

Гап аҳоли турли қатламларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тақалар экан, касаба уюшма оталиғидаги соҳаларга жиддий ёндашишнинг самарасини эслаш жоиз. Узоққа бормайлик, ЎзКУФнинг республика аҳолисига «Ризқу насибамиз файзу баракаси, фаровонлик мезони» номли мурожаати вилоятимизда ҳам акс-садо берди. Фаолларимиз тегишли ҳамкорлар билан жойларда тарғибот ишларини олиб боришмоқда. 10 та туманда эса 10 нафардан, жами 100 кишидан иборат ишсиз ёшларни жамлаб, касаба уюшмалари гуруҳлари ташкил этдик. Улар кекса, ёрдамга муҳтож кишиларнинг хонадонларида деҳқончилик агротехникасига оид ишларни амалга ошириб беришмоқда. Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан туман, шаҳар ва йирик бошланғич ташкилотларнинг бўш турган маблағлари ҳисобидан 6 та инкубатор олинди. Натижада 12 та янги иш ўрни яратилди. Бу ишларнинг «Устоз-шогирд» тизими асосида йўлга қўйилгани ҳам аҳамиятга молик. Яқин вақт ичида яна 19 та инкубатор олишга шартномалар имзоланди. Бу ишлар орқали аҳолининг тухумга бўлган эҳтиёжини қондириб қолмай, оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, иш билан таъминлашга эришамиз.

2012 йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» дея номланиши касаба уюшма ташкилотлари олдига ҳам улкан вазифаларни қўйди. Чунки оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарор. Айниқса, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила чароғбони бўлган аёл зотининг, опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан ҳамкорлигини кучайтириш вазифалари касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлмоғи керак.

* * *

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тўрақўрғон туман бирлашган қўмитаси раиси Козимжон Мирзаахмедов, Мингбулоқ тумани Меҳнатобод ҚФЙдаги намунали хонадон соҳибаси Мукаррам Босаралиева, Норин туманидаги 10-МТМ раҳбари Санобархон Азимова юқоридаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда касаба уюшмалари ва жамият ҳаётида фаол қатнашаётган бир гуруҳ фидойилар тақдирланди. Хусусан, «Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» аниқланди. Бу борада биринчиликни Наманган шаҳридаги 37-умумий ўрта таълим мактаби касаба уюшма қўмитаси қўлга киритган бўлса, 2-ўрин «УзЧасис» МЧЖ бошланғич ташкилотига, 3-ўрин эса Наманган Авто ўқув юрти касаба уюшма қўмитасига насиб этди. Шунингдек, «Энг яхши фермер» номига вилоятдаги илғор ўн бир нафар юртдошимиз сазовор бўлди. Ғолибларга касаба уюшмаларининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Томорқасидан унумли фойдаланиб, мўл-кўл ҳосил ва юқори даромад олаётган 12 та намунали хонадон соҳиби ҳам шундай мукофотга сазовор бўлишди.

— Янги йилни шундай яхшиликлар билан бошлаётганимиз кўнглимизни кўтарди, — дейди Неъматжон Усмонов. — Бунинг учун, аввало, касаба уюшмаларига миннатдорлигимни билдираман. Томорқамда асосан, гул парвариш қилиб, бир йилда 10 млн. сўмдан зиёд соф фойда топаман. Бу меҳнатсеварликнинг, ишбилармонликнинг шарофати. Бугунги эъзозу рағбатлардан сўнг ҳунаримни янада кўпроқ кишиларга ўргатиш нияти туғилди. Чунки ўзию кўзи тўқ кишилар яшаган юртдан файз аримайди.

* * *

Тадбир якунида «Ниҳол» мукофоти соҳиби Малика Эгамбердиева ижро этган дилтортар тароналар иштирокчиларга байрамона кўтаринкилик бағишлади. Кўнгиллардан кўнгилларга кўчган бу кун шукуҳи йил давомида ҳамроҳ бўлиши шубҳасиз.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши «Устоз-шогирд» йўналишида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар режасига асосан, кенгаш томонидан Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасига 2 млн. 510 минг сўмлик тиббий жиҳозлар ва 1 дона музлатгич топширилди. Бу муассаса ходимларига қулай шароит яратишда муносиб кўмак бўлди.

— Бирлашмамизда 2586 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади, — дейди шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси У.Имомбердиев. — Маъмурият билан ҳамкорликда даволаш профилактика муассасалари қошида касаба уюшма маблағидан «Устоз-шогирд» хонаси ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, устозликка бириктирилган ходимларни рағбатлантириш тизими жорий этилди. Битирувчиларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмасига ҳам худди шундай жиҳозлар совға қилинди.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Кўнгил одами

Маҳмуд ИБОЕВ,
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Одатдаги иш кунларининг бири. Тушликка яқин телефон жиринглади. Гўшақдан биринчи қаватда жойлашган офсет цехи бошлиғи, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Абдулҳафиз Йўлдошевнинг овози эшитилди: «Озгина вақтингизни олсам дегандим, майлими? Мен ҳозир чиқаман...»

Зум ўтмай у қўлида совға билан кириб келди. «Биз тўлайдиган солиқлар» газетасининг муҳаррири Илҳомжон Қуролов ҳам хонада эди. Уни кўриб, Абдулҳафизнинг чеҳраси яна ҳам ёришди.

— Учовлон Нигорахоннинг туғилган куни билан табриклаб қўйсак, нима дейсизлар?

— И-я, зўр таклиф, — дедик биз. — Лекин нима учун уни бунақа тор доирада табриклаймиз? Жамоанинг йиғилишида кўпчилик бўлиб қутлайдиган анъанамиз бор эди-ку?

Абдулҳафиз ётиғи билан тушунтирди. Нигорахон Тожиматова нашриётда тажрибали мусаҳҳиҳ сифатида узоқ йиллардан бери ишлаб келади. «Андижон ҳафтаномаси» реклама-тижорат газетасининг мунтазам чиқишида, турли китобларнинг бехато чоп этилишида унинг хизмати катта. Лекин отасидан айрилиб, бир неча ойдан буён ўзига кела олмаяпти. Жудолик оғир. Шунинг учун ҳам кичикроқ давра иштирокида қутлаб қўйиш лозим...

Бирин-кетин қўшни хонага кириб бордик. Нигорахон аввалига ташрифимиздан бироз таажжубланди. Сўнг табрик ва совғамиздан хурсанд бўлиб, миннатдорлик билдирди. Ғам-андуҳни унутгандек бўлди.

Қарийб ўн бир йилдан бери касаба уюшма ташкилотига етакчилик қилаётган Абдулҳафиз Йўлдошевнинг зийраклиги, инсон кўнглини тушуниб иш тутишига тан берасиз. Ишхонада ўтказиладиган тадбирлар, ҳамкасбларнинг тўй-маъракасида унинг ташкилотчилиги сезилиб туради.

Нашриётда саксондан ортиқ вақтли нашрлар ва турли китоблар чоп этилади. Қўшни вилоятларнинг аксарият нашрлари ҳам шу ерда босилади.

Етакчилар ҳақида ҳикоялар

Бу ишларда офсет соҳасида катта тажрибага эга Абдулҳафиз Йўлдошев ва ҳамкасблари Озодбек, Фарҳодбекнинг ҳиссаси катта. Улар ҳамжиҳатликда газета ва китобларга офсет формаларини вақтида ва сифатли тайёрлаб беришнинг уддасидан чиқадилар.

Жамоадошлари бу йигитни бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислигига сайлаб адашмади. Чунки у ишчи-хизматчилар дарду ташвишини тўғри англаб, манфаатини ҳимоя қилиш учун елиб-югуради. Жамоада меҳнат қонунчилиги талабларига оғишмай риоя этилмоқда. Цехларда иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга катта аҳамият берилади. Соғломлаштириш дастурларининг изчиллиги доимо эътиборда. Ҳар йили ўнлаб ходимлар сиҳатгоҳларда имтиёзли дам олдирилади. Барчаси маъмурият билан касаба уюшма ўртасидаги ҳамкорлик самараси ҳисобланади.

Маҳмуда МУРЗАЕВА,
Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши етакчи мутахассиси

Президент асари ўрганилмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Юртбошимизнинг асари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш юзасидан намунавий режа ишлаб чиқилиб, барча бўғин тармоқ касаба уюшма ташкилотларига етказилди.

Муҳим манба

Айни кунларда ушбу китоб таълим, фан ва маданият муассасаларида катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Жумладан, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан асарни ўрганиш юзасидан туман, шаҳар, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими касаба уюшма қўмиталарининг ходимлари, бошланғич ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида фаоллар йиғилиши ўтказилди.

Шунингдек, Наманган вилояти умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ҳамда Тўрақўрғон, Норин, Чуст, Чортоқ, Наманган туманларида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иштирокида ушбу мавзуда тадбирлар бўлиб ўтди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши ва Урганч давлат университети ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаоллари ўқувида ҳам Президентимиз китобининг мазмуни, унда илгари сурилган ғоя ва қарашлар, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Тармоқ касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши ўтказган тадбирда туман, шаҳар умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари ва ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди. Унда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётган бугунги ютуқларимизга осон эришилмаганини англашда давлатимиз раҳбарининг ушбу китоби муҳим манба эканлиги таъкидланди. Тадбирларда «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси» видеофилми ҳам намойиш қилинди.

Солиқ қонунчилигида ўзгаришлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур қарорга асосан, аҳоли даромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида, 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қўйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга туширилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, сартарошлик ва бошқа маиший хизматлар кўрсатиш учун ундириладиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 2 бараварга камайтирилди. Жисмоний шахсларга турар ва нотурар-жой фондини мунтазам равишда (яъни ўн икки ойлик муддат ичида 2 мартадан ортиқ битим асосида) сотишдан олинган даромадлар ҳам солиққа тортиладиган даромадга киритилиши белгиланди.

Жорий йилдан бошлаб уй-жойнинг 1 м² учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ижара тўлови энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб табақалаш, яъни Тошкент шаҳрида 3 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят шаҳарларида 2 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида 1 минг сўм ижара тўлови ундириш белгиланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш ва уларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида, ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2011 йилда 6 фоизгача пасайтирилган бўлса, 2012 йилда саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун мазкур солиқ ставкаси 1 фоизга туширилиб, 5 фоиз миқдорида белгиланди.

Солиқ кодексининг 164, 271 ва 300-моддаларига киритилган ўзгартиришлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, молмулк солиғи ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг ягона муддатларини белгилайди, яъни ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўлашни назарда тутади.

277 ва 294-моддаларга киритилган ўзгартиришлар солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ер солиғи ва молмулк солиғини тўлаш муддатларини ўзгартириш, яъни ҳисобот йилининг 15 октябри қилиб белгилашни назарда тутади.

2012 йил бошидан эътиборан кучга кирган солиқ имтиёзларидан яна бири бевосита оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарорига асосан, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб, ОАВ таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, таҳририятлар, нашриёт ва босмаханалар ОАВларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан ОАВ ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, микрофирма ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадио эшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга, газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 баробарга пасайтирилди.

ОАВ таҳририятлари, нашриёт ва босмаханаларни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони 50 нафардан 100 нафаргача оширилди. Семинарда иштирок этган ОАВ вакиллари мазкур Фармон миллий журналистиканинг янада ривожланиши, иқтидорли ёшларни соҳага жалб қилишда катта аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Кўргазмали семинарда Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан ўртага ташланган барча саволларга мутасадди ходимлар томонидан батафсил маълумотлар берилди.

А.КАЗАКОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси

Фарғона вилоят транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси касаба уюшмаси кенгаши томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V, тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг V қурултойлари қарорларини бажариш, ишловчилар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўплаб ишлар амалга оширилди.

Ходимлар манфаати йўлида

Тармоқдаги 83 та корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси тузилган. Маъмурият ва касаба уюшма қўмиталари ҳамкорлигида уларнинг ижроси таъминланаётир. Кенгаш томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти, уларда ишловчиларнинг манфаати ҳимоя қилинмоқда. Хусусан, 98 та йўловчи ва юк ташишга ихтисослашган шахсий ташувчилар уюшмалари тармоқ тизимидаги 27 та автотранспорт корхоналари бошланғич касаба уюшмаси таркибига цех қўмиталари сифатида бириктирилди. 4 та йирик (200 дан ортиқ автомобили бор) уюшмаларда бошланғич касаба уюшма қўмиталари тузилган. 12 та хусусий қурилиш ташкилотида касаба уюшма қўмитаси тузилган. Аъзолар билими ва малакасини ошириш масаласида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Тизимдаги йўл хўжалиги корхоналарида меҳнат қилаётган ходимлар ўтган йил баҳорида «Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 туп кўчат — менинг туҳфам» шиори остида мевали ва манзарали кўчат ўтказишди.

Тармоқда маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам турли тадбирлар, жумладан, коллежлараро мини футбол мусобақалари, турли спартакиадалар ўтказилиши анъанага айланган. Ўтган йили тармоқ ишчи-ходимларининг 1541 нафар фарзанди имтиёзли дам олдирилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 242 нафар фарзандига ўқув қуроллари ва формалари тарқатилди.

Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ишловчи аёллардан 25 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Корхоналарда ишловчи аёлларнинг 27 нафарига ҳомиладорлик таътиллари узайтирилди. Шунингдек, 184 та янги иш ўрни яратилиб, улар касаба уюшма қўмиталари томонидан назоратга олинган.

Тармоқ ишчи-ходимларини маданий дам олдириш мақсадида тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳ ҳамда дам олиш жойларига саёҳатлар уюштирилди.

Тадбиркор — элга мададкор

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Юртимизда тадбиркорлик соҳасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётганлар кўплаб топилади. Оҳангаронлик Зарифа Баҳодирова шундайлардан бири.

З. Баҳодирова 2004 йилда ҳунармандчилик цехини йўлга қўйди. Ишлари изга тушгач, секин-аста ёнига фарзандлари қўшилиб, фаолиятини кенгайтирди. Мижозлари сони ҳам ортди. Янгиликка интилиб яшовчи бу аёлда Президент соврини учун анъанавий ўтказиб келинадиган «Ташаббус» танловида иштирок этиш фикри туғилди. Аввал туман босқичида муваффақиятли иштироки билан биринчи ўринни қўлга киритиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Вилоятда ҳам омад кулиб боққач, республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилди.

Имконият янгилик яратишга ундайди



— Турли танловларда иштирок этиб чархландим. Албатта, бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ёрдамини аямаганини таъкидлашни истардим, — дейди тадбиркор. — Савдо-саноат палатаси орқали ҳунармандлар уюшмаси борлигини, унга аъзо бўлсам ишларим янада ривожланишини тушундим. Натижа мен ўйлагандай бўлиб чиқди. 2004 йилда республика Ҳунармандлар уюшмасига аъзоликка қабул қилиндим. Айни пайтда уюшманинг фахрий аъзосиман. 2005 йилда «Ташаббус» танловига ҳужжат топширдим. Унда ҳам республика босқичигача бориб, «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли» номинациясини қўлга киритдим. Бу муваффақият мени янада фаол бўлишга ундади. Оила аъзоларим билан бошлаган ишимни кейинчалик кенгайтиришга қарор қилиб, қўшимча ишчи кучи жалб эта бошладим. Шу билан бирга маҳсулотимизни реклама қилишни бошлаб юбордим...

«Интилганга толе ёр», деганларидек «Ташаббус» танловида кетма-кет беш марта республика босқичига чиқиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Йилнинг энг матонатли аёли» каби номинацияларда ғолиб бўлдим. Турли даражадаги мукофотлар билан тақдирландим. Гарчи асосий ўринни ололмаган бўлсам-да, бундай рағбатлантиришлар ишимнинг ривожига хизмат қилди.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркаси бўлиб ўтади. Шундай кўргазмаларнинг бирида чет эллик бир киши толдан тўқилган столни харид қилди. Маҳсулотларимга бўлган қизиқишни кўриб, менда хориж давлатларида бўлиш ва маҳсулотларимни чет мамлакатларда ҳам сотиш фикри туғилди. Шундай қилиб, сафаримни Ҳиндистондан бошлашга қарор қилдим. Чунки ишимизда асосий хомашёни мазкур давлатда кўп ўсадиган бамбук дарахти ташкил қиларди. Бамбук жудаям мустаҳкамлиги, эгилувчанлиги билан ишимизда жуда қўл келади. Бўйи 30 метргача ўсади ва маҳсулот тайёрлашда асосий хомашё ҳисобланади. Хуллас, Ҳиндистондан бамбук дарахтининг уруғини олиб келиб, синаб кўрдик. Бир йил яхши ўсди-да, кейинги йили қуриб қолди. Суриштириб билсак, уни иқлимлаштириш лозим экан. Яна ўзимизда етиштирилган қора толдан маҳсулот тайёрлашни давом эттирдик.

Бугунга келиб маҳсулотимиз тури 200 дан ортди. Албатта, бунда 70 дан зиёд шогирдимнинг ҳиссаси катта. Мамлакатимизда касаначиликка ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Ана шу мақсадда яна ўнта доимий иш ўрни яратдик.

Яқинда Савдо-саноат палатасининг кўмаги билан Қорақалпоғистон Республикасида бир ҳафталик «Мастер-класс» дарслари ўтиб келдик. У ерда 20 нафар хотин-қизга ишимизнинг сир-асрори ва сават тўқишни ўргатиб қайтдик.

— Ҳунармандчиликнинг ўзига яраша югур-югури, ташвиши турганда ўқув маркази очиш сизга нима учун керак бўлиб қолди, — деган саволимизга у шундай жавоб қилди:

— Иш юзасидан пойтахтга тез-тез бориб тураман. Шундай кунларнинг бирида бир йўловчи қиз билан танишиб қолдим. У пойтахтдаги «Машҳура» ўқув марказида ўқиши, тикиш-бичишга, турли пишириқлар тайёрлашга жуда қизиқишини айтди. Лекин йўлнинг узоқлиги-ю уйида иши кўплиги, Тошкентга бориб келиш учун йўл кирага кўп пул кетишини афсус билан таъкидлади. Шундан сўнг менда ўқув маркази очиш фикри туғилди. Савобли иш бошлашни дилимга тугиб, тезда зарур ҳужжатларни тайёрлаб, ҳаракатни бошлаб юбордим. Малакали ва тажрибали мутахассисларни қидириб топдим. Ҳозир бу ерда қандолатчилик, сартарошлик, бичиш-тикиш, элита услубида пардалар тикиш, компютер саводхонлиги, уй ҳамшираси, зардўзлик, инглиз ва рус тили ҳамда массаж курслари мавжуд бўлиб, нафақат туманимиз, балки қўшни туманлардан ҳам ёшлар келиб, касб-ҳунар соҳиби бўлмоқда. Айни пайтда 100 нафарга яқин ёш таълим олиб, ҳунар ўрганмоқда. Ҳозирга қадар 500 дан зиёд ёшлар касб-ҳунар эгаллаб, эркин фаолият юритаяпти. Курсни тугатгач, уларга мутахассислиги бўйича диплом ва сертификат берилади.

Келажакда фаолиятимизни кенгайтиришни мақсад қилганман. Касбим туфайли кўп давлатларда бўлдим. Мустақиллик бизга шундай кенг имконият яратиб берди. Албатта, бундай шароит ва имтиёзлар бизни яна-да кўпроқ ишлашга, янгиликлар яратишга ундайди.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2011 йил 15 декабрда ўтказилган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотилмасдан қолган давлат объектлари бўйича савдолар 2012 йил 15 ва 29 феврал кунлари такроран бўлиб ўтади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб-рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2012 йил 15 ва 29 феврал куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-23-52

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Сотилиши белгиланган давлат улуши	Бошланғич баҳоси (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	91,00	Миробод тумани, Мунис кўчаси, 9-уй	ТШҲКФБ	100,0	36 400 000,00	11 000 000,00	1 йил
3	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	70,00	Сергели тумани, Қўйлиқ 5-мавзеси, 28-уй	БФД	100,0	28 000 000,00	8 500 000,00	1 йил
4	2 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	76,80	Сергели тумани, Спутник 5-мавзеси, 16-уй	БФД	100,0	30 720 000,00	9 500 000,00	1 йил
5	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	162,00	Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) даҳаси, 37-уй, 137-138-хонадонлар	БФД	100,0	60 750 000,00	18 500 000,00	1 йил
6	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	89,00	Бектемир тумани, Ж.Тошкандий кўчаси, 60-уй, 41-хонадон	БФД	100,0	33 375 000,00	10 500 000,00	1 йил
7	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	106,00	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзеси, 7-«а»уй	БФД	100,0	42 400 000,00	13 000 000,00	1 йил
8	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	124,00	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20 Д-мавзеси, 15-уй	БФД	100,0	49 600 000,00	15 000 000,00	1 йил
9	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	65,00	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзеси, 48-уй	БФД	100,0	52 000 000,00	8 000 000,00	1 йил
10	Бир қаватли бинонинг бир қисми	157,00	Сергели тумани, Спутник 2-мавзеси, 70-уй	БФД	100,0	62 800 000,00	19 000 000,00	1 йил
11	Бир қаватли бинонинг бир қисми	143,00	Сергели тумани, Спутник 1-мавзеси, 70-уй	БФД	100,0	57 200 000,00	17 500 000,00	1 йил
12	Бир қаватли бино	1 767,00	Сергели тумани, Спутник Ц-мавзеси	БФД	100,0	540 116 800,00	162 500 000,00	1 йил
13	Бир қаватли бино	71,00	Ҳамза тумани, Ҳаваскор кўчаси, 98-уй	БФД	100,0	28 400 000,00	9 000 000,00	1 йил
14	Бир қаватли бино	77,00	Ҳамза тумани, Усмонова кўчаси, 3-уй	БФД	100,0	30 800 000,00	9 500 000,00	1 йил
15	Бир қаватли бино	324,00	М.Улуғбек тумани, Югнакий мавзеси, 22-«а» уй	БФД	100,0	133 463 741,00	40 500 000,00	1 йил
16	2 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	99,00	М.Улуғбек тумани, Ҳумоюн мавзеси, 3-«а» уй	БФД	100,0	39 600 000,00	12 000 000,00	1 йил
17	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	83,00	М.Улуғбек тумани, ТТЗ даҳаси, 4-мавзеси, 34-уй	БФД	100,0	33 200 000,00	10 000 000,00	1 йил
18	Бир қаватли бино	145,00	М.Улуғбек тумани, Югнакий мавзеси, 19-«а»уй	БФД	100,0	58 000 000,00	17 500 000,00	1 йил
19	2 қаватли бинонинг ертўласи бир қисми	47,00	М.Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, Ғарбий томони	БФД	100,0	18 800 000,00	6 000 000,00	1 йил
20	9 қаватли бинонинг 9-қавати бир қисми	115,00	Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 1-уй, 108-хонадон	БФД	100,0	48 875 000,00	5 000 000,00	1 йил
21	Бир қаватли бино	58,86	Сергели тумани, Ўзгариш мавзеси, 8-«а»уй	БФД	100,0	23 545 000,00	7 500 000,00	1 йил
22	Бир қаватли бинонинг бир қисми	221,00	Сергели тумани, Спутник 11-мавзеси, 53-уй	БФД	100,0	88 400 000,00	27 000 000,00	1 йил
23	Икки қаватли бино	422,00	Сергели тумани, Спутник 4-мавзеси, 2-уй	БФД	100,0	168 800 000,00	51 000 000,00	1 йил
24	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	252,00	Ҳамза тумани, Слоним 2-даҳаси, 5-уй	ТШҲКФБ	100,0	100 800 000,00	30 500 000,00	1 йил
25	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	48,00	Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси, 1-мавзеси, 19-уй	БФД	100,0	19 200 000,00	6 000 000,00	1 йил
26	Бир қаватли бинонинг бир қисми	106,00	Ҳамза тумани, Бойқўрғон кўчаси, 11/1-уй	ТШҲКФБ	100,0	42 400 000,00	13 000 000,00	1 йил
27	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	218,00	Ҳамза тумани, Авиасозлар-1 (собиқ Лисунов-1) даҳаси,12-ётоқхона, 20-уй	БФД	100,0	87 200 000,00	26 500 000,00	1 йил
28	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	34,00	Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси, 1-мавзеси, 18-уй	БФД	100,0	13 600 000,00	4 500 000,00	1 йил
29	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	79,00	М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 427-«В»уй	ТШҲКФБ	100,0	31 600 000,00	9 500 000,00	1 йил
30	2 қаватли ертўлали бинонинг бир қисми	241,00	Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 4-мавзеси, 2-уй	БФД	100,0	96 400 000,00	29 000 000,00	1 йил
31	Бир қаватли бино	213,00	Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 15-уй	БФД	100,0	85 200 000,00	26 000 000,00	1 йил
32	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	9 886,00	Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) даҳаси, Чо Мен Хи кўчаси	«ЯБХ» ИК	100,0	2 098 542 573,00	630 000 000,00	3 йил
33	Қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси биноси	2 607,00	Бектемир тумани, Бинокор қўрғони	«ЯБХ» ИК	100,0	305 581 073,00	92 000 000,00	3 йил
34	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	3 600,00	Ҳамза тумани, Янгиобод даҳаси, Шоҳсанам кўчаси	«ЯБХ» ИК	100,0	744 081 879,00	284 000 000,00	3 йил
35	4 қаватли бинонинг 1-қаватидаги 180 кв. метрга тенг бўлган бир қисми	180,00	Миробод тумани, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, 1-хонадон	БФД	100,0	238 746 040,00	36 000 000,00	1 йил
36	Қурилиши тугалланмаган ётоқхона биноси	1 707,00	Миробод тумани, Қўйлиқ 4-даҳаси	«ЯБХ» ИК	100,0	397 645 200,00	120 000 000,00	3 йил
37	Бир қаватли бинонинг бир қисми	49,00	Сергели тумани, Дўстлик-2	БФД	100,0	19 600 000,00	6 000 000,00	1 йил
38	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	102,00	Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси-22, 10-уй	ТШҲКФБ	100,0	40 800 000,00	12 500 000,00	1 йил
39	ТТЗ ОАЖ тасарруфида бўлган, «Гўшт-сут» савдо дўкони	239,00	Мирзо Улуғбек тумани, Аҳмад Югнакий мавзеси, 33-«а»уй	«ТТЗ» ОАЖ	100,0	193 315 150,00	29 000 000,00	1 йил
40	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	100,0	1 840 673 120,00	276 500 000,00	1 йил
41	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	100,0	1 158 245 460,00	174 000 000,00	1 йил
42	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергитика ва автоматика	100,0	504 919 790,00	76 000 000,00	1 йил
43	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергитика ва автоматика	100,0	93 835 150,00	14 500 000,00	1 йил
44	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергитика ва автоматика	100,0	37 658 810,00	6 000 000,00	1 йил
45	Ишлаб чиқариш биноси	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. институти	100,0	3 499 609 260,00	1 050 000 000,00	3 йил
46	Бир қаватли бинонинг бир қисми	107,00	Яккасарой тумани, Мираҳмедов кўчаси, 4 тор кўча	БФД	100,00	53 987 520,00	13 500 000,00	1 йил
47	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	164,00	Олмазор тумани, Ц-22, 103-уй	БФД	100,00	178 997 200,00	27 000 000,00	1 йил

Балансда сақловчи ташкилотлар:
БФД — Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш бўйича департаменти
ТШҲКФБ — Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси
«ЯБХ» ИК — «Ягона буюртмаси хизмати» инжиниринг компанияси
ИТБ — Инженерлик-техник базаси

Иззат ҲИКМАТОВ

Фермернинг шашти

Амирраҳим Норқулов фақат Нишон туманида эмас, балки бутун Қашқадарё вилоятига танилган фермерлардан биридир. Хўжалик аъзолари ҳар йили ғалладан 118-120 миллион, пахтадан 115-120 миллион сўм даромад қилаётган бўлса, унинг 60 миллион сўмдан зиёдини соф фойда ташкил этади.

Амирраҳимнинг фермер хўжалиги кўп тармоқли. Ҳозирги кунда бу ерда 30 бош қорамол, 300 дан ортиқ қўй-қўзи боқиляпти. Бундан ташқари, ўн мингта курка ҳам парваришланмоқда. Энг муҳими, парранданинг озуқасини сотиб олишмайди, ўзларидан чиқади.

— Куркачилик турган битгани хазина экан, — дейди Амирраҳим ака қувонч билан. — Ҳар бирини 10 минг сўмдан сотганимизда ҳам йил охирида 100 миллион сўм фойда олинади.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YOAJ
«Toshkent mintaqaviy filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ ҳамда «Марказсаноатэкспорт» ДАТС компаниясининг 2012 йил 9 январдаги УС-28/36-133-сонли хатига асосан компанияга тегишли, Тошкент шаҳар, Буюк ипак йўли кўчаси, 75-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ДЭУ Нексия» русумли, д/р 01 205 КВА бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** — 15 000 000.

2.«ДЭУ Нексия» русумли, д/р 01 206 КВА бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** — 14 500 000.

Аукцион савдоси 2012 йил 15 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 15 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 2 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» YOAJ «Toshkent mintaqaviy filiali»нинг «Ипотека банк» АКИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452138, МФО 00425, СТИР 200933850, ОКОНХ 83400.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. **Телефон:** 233-28-52, 233-20-96. www.rkmb.uz.

«ANDIJON MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Андижон вилоят ҳудудий бошқармасининг 2010 йил 18 ноябр ҳамда 2011 йил 29 мартдаги 20-02-709/2-сонли ва 2011 йил 20 октябрдаги 17-01-165/2-сонли хатларига асосан Суд департаменти Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси баланисдаги Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 26-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Нексия» русумли, д/р 60 308 НАА бўлган, 1999 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 6 302 352 сўм.

2. «Дамас» русумли, д/р 17 АВ 507 бўлган, 1998 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 6 235 401 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 14 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 14 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 17 ва 22 феврал кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 17 февралдаги такрорий савдо учун 2012 йил 16 феврал куни соат 18:00, 22 февралдаги савдо учун 21 феврал куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Andijon mulk markazi» МЧЖ «Савдогар» ОАТ банки (МФО 00081, СТИР 302126734, х/р: 20208000304941156002)га тўлашлари шарт.

Манзил: Андижон шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй.
Телефон: (8-374) 224-48-53. **Гувоҳнома:** № 00658.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ва унинг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари жаоалари «Кварц» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмита раиси Баҳодир Ҳасановга акаси

Мамаризо ҲАСАНОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши жамоаси Поп туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ғуломбой Олимовга падари бузруквори

ДАМИНБОЙ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Раҳмоновга акаси

Искандар РАҲМОНОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши касаба уюшма фахрийси Носирхон Акбаровга волидаи муҳтарамаси

МАЪРИФАТХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

■ Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

От изини той босар

Ёш авлоднинг жисмонан бақувват бўлиб улғайишида спортнинг ўрни беқиёс. Касаба уюшмалари томонидан уюштирилаётган спорт мусобақалари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Куни кеча пойтахтимизда жойлашган «Локомотив» спорт клубида Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда республика Юнон-рум кураши федерацияси ташаббуси билан 1997-98 йилларда туғилган болалар ва ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган халқаро турнир фикримизнинг яққол тасдиғидир. Турнир Ўзбекистонда ушбу спорт турининг оммавийлашишида катта ҳисса қўшган Али Самирхонов хотирасига бағишланди.

Нуфузли халқаро турнирда Фарғона, Навоий, Бухоро, Андижон, Тошкент вилояти ва пойтахтдан, шунингдек, Қозоғистондан ташриф буюрган 200 нафарга яқин полвон ғолиблик учун муросасиз беллашди.

Касаба уюшма спорти

Қизғин кечган баҳслар якунига кўра 23 кг. вазн тоифасида Сардор Ҳамиджонов (Тошкент), 26 кг.да Ҳасан Соатов (Тошкент вилояти), 29 кг.да Авазхўжа Сулаймонов (Фарғона), 32 кг.да Анвар Комилов (Тошкент), 35 кг.да Жасур Ортиқбоев (Тошкент), 38 кг.да Ойбек Ғуломов (Навоий), 42 кг.да Зафар Ворисов (Тошкент), 47кг.да Жавоҳир Тоғаев (Навоий), 53 кг.да Дониёр Аҳмадов (Тошкент), 59 кг.да Мироншоҳ Султонов (Бухоро), 66 кг.да Сарвар Тўхтақулов (Тошкент), 73 кг.да Боизхон Эркинов (Тошкент), 85 кг.да Мўмин Мақсудов (Тошкент вилояти), 100 кг.да Ҳожиакбар Шаҳобиддинов (Андижон) каби ёш полвонларимиз ғолиблик нашидасини суришди.

Энг қувонарлиси, тадбир якунида юнон-рум кураши бўйича 84 кг. вазнда Олимпиада ўйинлари ғолиби Александр Доктурашвили ҳамда 60 кг. вазн тоифасида Жаҳон чемпиони Дилшод Орипов иштирокида ёш полвонлар учун «мастер класс» ўтказилгани бўлди. Дунё тан олган полвонларимиз томонидан кўрсатилган усуллар, берилган сабоқ ва маслаҳатлар юртимизда уларнинг муносиб издошлари етишиб чиқишида муҳим ўрин тутса, не ажаб.

Якунда совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва медаллар, шунингдек, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

■ Наргиза АСАДОВА

Мулоҳаза

«Мен ҳали ҳам булар ичидан Умидни излайман» деганди бир замондошим адиб Эркин Аъзамнинг «Бодом қишда гуллади» асаридаги қаҳрамонни эслаб. Камина эса Умиднинг ғайриоддий феъл-атворини эмас, балки унинг касбидан келиб чиқадиган фазилатларини кўпроқ ёдга олгим келади. Чунки унинг беғубор қалби, боладек соф нигоҳлари ҳозирги аксарият кондукторларда кўринмайди.



Кондукторликнинг мезон ва талаблари борми?

Бугун пойтахт кўчаларида аҳолига хизмат қилаётган автоуловлар ҳар жиҳатдан кўркам кўринишга эга бўлиб, уларда яратилган имкониятлар йўловчилар учун мослаштирилган. Кенг ва ёруғлиги, ўриндиқларнинг янгича кўриниши, автоуловларнинг текис ва равон ҳаракатланиши турли ёшдаги йўловчиларнинг манзилларига хотиржам етиб олишларини таъминламоқда. Шу маънода «Тошшаҳарйўловчитранс» МЧЖ фаолиятини намунали деб атаса бўлар. Лекин бир ҳолат дилни хира қилади. Яъни, кондукторларнинг барчаси юқорида тилга олган имкониятларга ўз хизмати билан тўлиқ жавоб бераяпти, дейиш қийин.

Одам тирбанд, ҳар ким ўз манзили сари ошиқадиган транспортларда эгнига нима кийса кийиб олган бу касб эгаларининг аввало ташқи кўриниши йўловчиларни таажжубга солади. Бемалол уй кийимида юрган кондуктор аёллар гўё пойтахтнинг марказий кўчаларида эмас, гўё холасининг ҳовлисида юргандек таассурот уйғотади кишида. Улар ичида гарчи таътил вақти бўлмаса-да, ёш болаларнинг ҳам борлиги, катталар ичида туртиниб-суртиниб юришлари, сўраган нарсангга тўлиқ жавоб беролмаслиги мазкур касбга кадрлар қандай, қайси мезонларга асосан танланиши ҳақидаги дастлабки тасаввурни беради. Маълумотномасиз, махсус кийимсиз чиптачиларнинг муомала даражаси ўта «эътиборга лойиқлиги» масаланинг иккинчи томонидир.

Уларни бир важдан тушуниш мумкиндир, яъни куннинг бошланишидан, кеч қоронғусигача турли ёш ва фазилат эгалари билан муомала қилиш бир қараганда мушкул. Лекин яхшилаб ўйланса, ҳар биримиз ҳар соат, дақиқада одамлар билан мулоқотда бўламиз. Ҳамманинг ишида ўзига яраша қийинчиликлар мавжуд. Шундай экан, кишилар билан муносабатда бу касб эгаларининг хуш муомалали бўлиши, жамоат ҳурматини сақлаб, уларга бир ўткинчи сифатида эмас, аввало одам сифатида қараши нафақат ўзларининг, балки умумжамоанинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ойлик йўл чиптасини кўрсатган йўловчиларга менсимай, эшик олдида турган кишиларга қўполлик билан муносабатда бўлишлари ҳар қандай одамнинг нафсониятига тегади.

Албатта, беш қўл баробар эмас. Мазкур касб эгалари ичида ҳам ўз ишининг устаси, анчадан буён ишлаб тажриба орттирган, одамлар билан самимий мулоқотга кириша оладиганлари ҳам бор. Буни уларнинг болали аёлларга, қарияларга бўлган самимий муносабатидан ҳам билса бўлади. Улар ҳамиша ибрат. Лекин...

Яна юқоридаги фикрга қайтсак. Умид шунчаки образ ёки бадиий тўқима эмас, балки у шундоққина ҳаётдан олинган ва устамонлик билан асарга киритилган образдир. Чунки Умид фақат оддий кондукторгина эмас, оқ кўнгилли, касбига садоқатли ва оддий кун деб атайдиган лаҳзаларимиздан мўъжизалар ясай оладиган ҳақиқий инсондир. Ундан ибрат олиш учун эса қандай касб эгаси бўлишнинг аҳамияти йўқ, назаримда.

■ Ўролбой ҚОБИЛ, Қамаши тумани, Гулистон қишлоғи

Ҳаёт дарслари

Тойчоқ

Облақул чавандознинг олти ойдан бери ичини ит тирнайди. Фикру ўйини «Наҳотки, мендан кейин изимдан улоқ чопадиган қолмаса», деган хавотир чулғаган. Ёлғиз ўғли Ғайратжон отаси қанчалик рағбат қилмасин, оту кўпкарига эмас, темир-терсакка қизиқди. Муҳандислик касбини танлади.

Аксига олиб келинининг учинчи боласи яна қиз бўлди.

Бундан чавандознинг фиғони кўкка етди, аммо дарди ичида. Ўғли ва келинига минғиллаб тасалли берди: «Қизни берган Эгам ўғилни ҳам берар»...

Чавандоз тенгқурлари даврасида қаттиқ сўзламай қўйди. Чунки «Изингизни оладигани борми?» дегувчилар бор...

Облақул чавандоз бир куни боқимдаги ғунажинни бозорга солди. Яхшигина пуллади. Қайтар пайти танишларидан бири:

— Полвон бова, манави тойчоқни олинг, бегонага кетмасин. Сотмасдим, аммо ўғлим машина оламан, деб қўймаяпти, — деб қолди.

Чавандознинг кўзига тойчоқ оловдек кўринди, савдолашди. Сўнгра уни етаклаб уйга қайтди.

Қишлоққа кираверишдаги тутзор четида тўрт-бешта эчки боқиб ўтирган бола бобога салом бериб:

— Бова, тойчоқни менга беринг, эчкиларимни сизга бераман, — деди.

Ўй-хаёллар билан келаётган Облақул чавандоз боланинг сўзларини яхши англамади.

— Нима дединг, улим?

— Тойчоқни менга сотинг, — дедим.

— Буни неварамга деб, олувдим-да...

— Ахир неварангиз қиз-ку, қиз бола от минса уят бўлади.

Боланинг сўзлари чавандознинг дилини оғритди, аммо сир бой бермади.

— Кимнинг улисан, болам?

— Тиниқ момонинг, бова.

— Эй, танидим. Тиниқ бойвуччанинг улимисан?

— Ҳа, бова.

Чавандознинг эсига тушди. Тиниқнинг ўғли вафот этгач, келини эрга тегиб кетувди. Кампир ўғлининг боласини олиб қолганди. Ҳа, Зиёдулла бечора яхши йигит эди. Чолнинг кўзлари намланди.

— Ма, улим, тойчоқ сеники, эчкилар эса меники...

Бола қувониб кетди, эчкиларни қувлаб чолнинг ёнига ҳайдаб келди ва тойчоқнинг тизгинини ушлади.

— Раҳмат, бова, энди мен чавандоз бўламан!

— Кимга ўхшайсан, улим?

— Сизга, бова, Облақул чавандозга!

Чавандоз намланган кўзларини олиб қочди...

Ёнғоқ дарахти

— Ҳув, газадаги уй Хушбоқ бобоники, бечора кеча вафот этди, — деди суҳбатдошим Собир муаллим кўнгли бузилиб.

— Нима, қариндош эдими? — сўрайман ундан.

— Йўқ, аммо фақат менга эмас, бутун Тоштепага азиз одам эди, бечоранинг чироғини ёқадигани қолмагани ёмон бўлди-да...

— Ёш бола эдик, — дея сўзини давом эттирди суҳбатдошим. — Хушбоқ бобонинг бир туп ёнғоғи бор эди. Меваси пишгач, худди чуғурчуқдек ёпирилардик. Чол ҳам, кампири ҳам бизларни қувламасди, чўнтагимизни, этагимизни тўлдириб ёнғоқ берарди. Фақат битта шарти бор эди.

— Қанақа шарт? — дейман қизиқиб.

— Ўлсак «бовом» деб, «момом» деб йиғлайсизлар, — деб тайинларди. Бизлар «хўп, хўп» деб кетардик.

Чол билан кампир ортимиздан кулиб кузатиб қолишарди.

Аввал Ойтош момо ўлди, бутун қишлоқ «энам»лаб кўмди. Бир йил ўтиб, буғдой пишиғида Хушбоқ бобо ҳам оламдан ўтди. Эл-улус «отам»лади. Жанозада биров айтди, ҳатто, қирқ йил раис бўлган Саттор оқсоқолнинг маъракасида ҳам бунча халойиқ тўпланмаган экан.

Тепадаги ҳовлига қарайман, бир туп ёнғоқ дарахти кўзимга Хушбоқ бобо ва Ойтош момо бўлиб кўринади.

Тумор

— Ҳой, эшитдингизми, анови биринчи муҳаббатингиз Бувиойша ўлибди.

Хотинининг бу хабари қора мойга беланиб машинасини созлаётган Нодир шофёрни гангитиб қўйди:

— Йўғ-а, наҳотки?

— Рост, ҳозиргина қўшнимиз Сорагул айтди, жанозага чақирибди.

Нодир шофёр ҳолсизланиб ўтириб қолди: «Бувиойша энди йўқми, қандай қиз эди-я, эсиз...?»

— Ҳа, нега ёш боладек шумшайиб қолдингиз, дугоналарим тўғри айтишган экан, юрагидан урган, деб. Ана кийимларингиз, тезроқ жанозага бориб, бир кафт тупроқ ташлаб келинг, сиздан рози бўлиб кетсин, ахир, бир пайтлар...

— Бас қил!

Нодир шофёрнинг қаҳрли товуши хотини Ҳанифанинг овозини ўчирди. У кийиниб кўчага чиқди. Қўшниси Қодир бобо билан марҳумани сўнгги йўлга кузатиб келди.

Кейин туни билан хаёлидан Бувиойша кетмади. Охирги марта у шифохонада ётганида кўнгил сўрагани борган эди. Ранги синиққан Бувиойша уни кўриб қанчалар қувонганди ўшанда.

— Овора бўпсиз-да, синфдош. Айтгандай, дугонам, болаларингиз эсон-омон юришибдими?

Нодир шофёр бош ирғади:

— Ўзинг яхшимисан, Бувиойша?

— Дўхтирлар жигарингиз хаста дейишди, бу ёғини билмадим, синфдош.

— Ҳали, ойдай бўлиб кетасан, Бувиойша.

— Айтганингиз келсин, эсингиздами, еттинчи синфда ўқиётганимизда менга ёзган хатингиз, — дея бўйнидаги туморнинг ичидан букланган, йиллар сарғайтириб юборган дафтар варағини олиб, Нодирнинг қўлига тутди.

Нодир шофёр хатини таниб, уялиб ерга қаради.

— Агар шу туфайли озор берган бўлсам, мени кечир, Бувиойша...

Аёл хатни олиб қайтадан туморига жойлади.

— Ундай деманг, бу хат мен учун азиз, бу менинг жавоб айтмоққа имкон тополмаган илк севгим, шунинг учун тумор қилиб тақиб юрибман...

Бу Нодир шофёрнинг Бувиойша билан сўнгги учрашуви эди...

Амма

Пешинда Тошбиби момоникига велосипед миниб кетган бола ҳовликиб қайтди:

— Амма, дарров бизникига бораркансиз.

— Нега, болам, тинчликми?

— Ғайрат акамни «разбор» қилишармиш...

— Бу нима деганинг, айланай?

Бола атрофга бир қараб олди-да, секин шивирлади:

— Акам Тўра қассобнинг қизи Гулсанамни севаркан. Отаси эшитиб: «Агар бир ҳафта ичида тўй қилишмаса, қизимни бошқа бировга бериб юбораман», деб отамга одам юборибди.

Тошбиби момо барисига тушунди. Шошилмасдан кийиниб, кенжаси Отақулнинг машинасида укаси Мажид муаллимникига етиб келди.

Супада ўтирганлар ўрнидан туриб, момони тўрга ўтқазишди. Момо фотиҳага қўл очиб дуо қилгач, укасига юзланди.

— Ҳа, нега сувга тушган жўжадек шумшайиб ўтирибсан?

— Эшитгандирсиз?

— Эшитдим, ёмон гап эмас-ку, Мажидбой?

— Ёмон эмас, аммо, бу ёғи...

— Нима бу ёғи...

— Тўй қилиш осонми, опа, яқинда қарз олиб Санобарни узатувдим.

Тошбиби момо бир пас ўйланди, сўнгра яна укасига қаради.

— Ғайратинг неча ёшга кирди?

— Йигирма олтига, — эрининг ўрнига жавоб берди аёли Холбуви.

— Инсофли экан, у тенгилар бир-икки болали бўлишди, алам билан бирортасини эргаштириб келиб ўтирса, нима қилардинглар?

Даврадагилар жим қолишди.

— Ғайратжоннинг аммаси тирик, ҳали ўлгани йўқ, харажатни ўйлама, ўзим ҳал қиламан, сен элга гап бўлмай, совчини жўнат.

Тошбиби момонинг сўзлари ўтирганлар учун гўё умид учқуни бўлди. Улар енгил нафас олишди.

Пойгақда қизариб, мўлтираб ўтирган «гуноҳкор» йигит ҳам меҳр билан жилмайиб аммасига қаради. Шундай танти ишонч тоғи борлигидан кўнгли фахрга тўлди.

Нон иси

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида уммон ортидаги Куба деган мамлакатда ҳарбий хизматда бўлган Байман муаллимнинг бир суҳбати ёдимга тушди.

— Соғинч дегани ёмон бўларкан, бекорга Бобур, Фурқат каби улуғларимиз Ватанни қумсаб дардли мисралар битмаган экан, — деганди муаллим. — Ўшанда «дембил» бўлишимга икки ой қолганди. Тишим оғриб, ҳарбий госпиталга бордим. Вақтлироқ борибман чоғи, тиш дўхтирининг хонаси берк экан. Ҳовлига чиқдим. Иккита буғдойранг қизалоқ қувлашмачоқ ўйнар, уларнинг нимасидир қишлоқдаги сингилларимни эслатарди. «Тавба, кубаликлар ҳам ўзимизга ўхшар экан-да», дедим ўзимча.

Тўсатдан қизалоқлардан бири:

— Райҳон, мани тутолмайсан! — деб қолди.

Қулоқларимга ишонмай, карахт бўлиб қолдим. Ахир бир ярим йилдан буён ўзбекча сўз эшитмаган эдим-да!

Уларнинг ёнига бориб исмларини сўрадим.

Қизалоқлар менга ҳайрон қарашди ва каттароғи айтди:

— Менинг отим — Лола, синглимники — Райҳон.

Кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

— Сиз ҳам ўзбекмисиз, амаки?

— Ҳа, — деб бош ирғадим.

Қизалоқларни қучоғимга босдим.

— Энажонларим!

Туни билан азоблаб чиққан тишим ҳам оғримай қўйди.

— Дадам дўхтир, биз яқинда Тошкентдан келдик.

— Яхши.

— Ойим ҳам дўхтир, — деди Райҳон дегани ширин тил билан.

— Тилларингдан айланай!

Шу пайт «Қизлар, келинглар», деган овоз эшитилди.

Эшик ёнида оқ халат кийган, қошиқўзлари Санам янгамга ўхшаб кетадиган аёл турарди. Аёл мени кўриб ҳол-аҳвол сўрашди.

Гарнизонда Ўрта Осиёлик ягона аскар эканлигимни айтдим.

Оғриган тишимни суғуртириб ташқарига чиқсам, қизалоқлар, ойиси, дадаси билан мени кутиб туришган экан. Бир соат уйида меҳмон бўлдим. Қайтар чоғида аёл қўлимга иккита ўзбаки нон тутди.

Нонни бағримга босдим, ундан она юрт иси келарди.

Эл

Ниҳоят қабр устига сўнгги чим босилди.

Мулла фотиҳа ўқишни бошлади. Қабристондаги мискин сукунатни оят оҳангларигина бузарди. Фотиҳа тугаб ҳамма ўриндан туриб тарқалаётган пайтда Шерқул бобо марҳумнинг ўғлини тўхтатди:

—Ўғлим, отанг менинг болалик дўстим эди. Тақдирни қарангки, унга шаҳарда яшаш насиб этди. Аҳёнаҳёнда бозорда учрашиб қолардик. Кўнглида дарди, хасратлари кўп эди бечоранинг...

Раҳматли рўзғор ташвишлари билан андармон бўлиб туғилган қишлоғини, элини унутди. Ҳатто кексайганда ҳам бирор марта келмади. Элнинг тўйига, маъракасига бош қўшмади. Лекин, болам, эл кечиримли, элнинг бағри кенг, қара, отангнинг таъзиясига қанча одам қатнашди. Айт, қайси бирини танийсан?

Неъматжон бош ирғади.

— Ҳа, баракалла, танимайсан, аммо бу сенинг эмас, отангнинг айби, хатоси. Сенга уруғ-аймоғи, хели-хеши ҳақида сўзламаган, уқтирмаган. Кўрдинг, тобутни қанча одам кўтарди, елкадош, ғамдош бўлди. Буни эл, дейди, болам!

Неъматжон Шерқул бобонинг сўзларини тинглаб ўйланиб қолди...

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
U. Ibodinov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.40

Buyurtma Г — 111

22795 nusxada bosildi

2345